

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

**5/2024**



**5/2024**



**MUNDARIJA \*\*\* СОДЕРЖАНИЕ \*\*\* CONTENTS**

**ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\* ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

<b>Кувватова Д.Х., Сафарова Х.О.</b>	Самандар Воҳидовнинг достончиликдаги ижодий изланишлари	3
<b>Davronova Sh.G‘.</b>	Isajon Sulton hikoyalarida ma’naviy qadriyatlar talqini	8
<b>Ражабов Д.З., Ражабова Р.З.</b>	Халқ қўшиқларининг пайдо бўлиш асослари ва табиатига хос хусусиятлар	13
<b>Qodirova M.A.</b>	Ahmad A’зам badiiy tasvir mahorati	19
<b>Xamdamova S.B., Gaybulloyeva V.Sh.</b>	Emili Dickinson she’riyatida romantizm xususiyatlari in’ikosi	25
<b>Inoyatova D.I.</b>	The comparison of the concept of ugliness in english and uzbek proverbs	29
<b>Israelov G‘.B.</b>	Sakkokiy devoni xususida	33
<b>Jabborova M.V.</b>	Zamonaviy o’zbek she’riyatida samoviy timsollarning lirik qahramon ruhiyatini ifodalashdagi badiiy-estetik talqini	
<b>Sharopova Sh.Sh., Kilicheva M.R.</b>	Identifying the “story telling” element of self-help genre on the work of “How to win friends and influence people” by Dale Carnegie	41
<b>Mulloqulova Z.Sh.</b>	O’zbek adabiyotida adabiy topishmoqlarning badiiyati	45
<b>Xolnazarova M.X.</b>	Buxoriy hadislarida odob-axloq tushunchalari	49
<b>Ziyodulloeva A.A.</b>	Psycho-emotional features of color interpretation in english literary works	55
<b>Исаева Г.А.</b>	Дихотомия образа врага в военной литературе Шухрата и Ю.Бондарева	60
<b>Кенджиева Г.Ф.</b>	Способы передачи паремиологических единиц в русских и английских переводах романа Абдулла Кадыри «Минувшие дни»	67
<b>Розикова Н.Н.</b>	Метажанровые трансформации и экспериментальное переопределение жанров в современной литературе	71
<b>Nazarova G.P., Davronova R.A.</b>	Laila’s attitude towards gender discrimination in Khaled Hosseini’s “A thousand splendid suns”	78
<b>Каримова И.Д.</b>	Вера в бога как механизм выживания в романе "Робинзон Крузо" Даниэля Дефо	82
<b>Murtazayev E.N.</b>	XX asr jahon adabiyotida ekspressionistik qarashlar	87
<b>Maxmudova S.X.</b>	Erkin Vohidovning “O’zbekiston” she’rida vatan talqinlari	91

**JURNALISTIKA \*\*\* JOURNALIZM \*\*\* ЖУРНАЛИСТИКА**

<b>Berdiyorova S.A.</b>	O’zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni tarkibida matbuot kotibining roli	95
<b>Primov Sh.M.</b>	“Mushtum” jurnalining tarixiga bir nazar	101
<b>Berdiyorova S.A.</b>	O’zbekistonda matbuot xizmatlari	105

**“NAVOIY GULSHANI”**

<b>Hikmet K., Sayliyeva M.R.</b>	Ey, nubuvvat xaylig’ a xotam bani Odam aro	112
--------------------------------------	--	-----

### САМАНДАР ВОХИДОВНИНГ ДОСТОНЧИЛИКДАГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

Кувватова Дилрабо Ҳабибовна,

Бухоро Давлат университети профессори, ф.ф.д.

[d.h.quvvatova@buxdu.uz](mailto:d.h.quvvatova@buxdu.uz)

Сафарова Хилола Охунжоновна,

Бухоро Давлат университети доценти, ф.ф.н.

[h.o.safarova@buxdu.uz](mailto:h.o.safarova@buxdu.uz)

**Аннотация.** Истиқлол йиллари Бухоро адабий ҳаракатчилигидаги достон жанрининг яхши намуналари яратилган. Лирико-эпик характердаги бу асарлар сюжет тизими, образлар олами, бадиий тили нуқтаи назарида янги ўзбек адабиёти яратилган шу жанр намуналарига бўйлаша олади. Шу жиҳатдан маъсолада таниқли шоир С.Воҳидовнинг “Андуҳ” ва “Сунбула” достонлари таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** адабий ҳаракатчилик, достон, лирико-эпик достон, ечим, воқеалар ривожси, раҳбар аёл образи, истиқлол мавзуси, кечинма, эпик талқин.

### ТВОРЧЕСКИЕ ИЗЫСКАНИЯ САМАНДАРА ВОХИДОВА В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

**Аннотация.** В годы независимости литературное движение Бухары создало хорошие образцы эпического жанра. Эти произведения лирико-эпического характера можно считать образцами нового жанра узбекской литературы по сюжетной системе, миру образов, художественному языку. По этому поводу известный поэт С. Анализируются былины Вахидова «Андуҳ» и «Сунбула».

**Ключевые слова:** литературная мобильность, эпос, лирико-эпическая эпопея, развязка, развитие событий, образ Ведущей женщины, тема независимости, мольба, эпическая интерпретация.

### CREATIVE RESEARCH OF SAMANDAR VOHIDOV IN FICTION

**Annotation.** In the years of independence, Bukhara's literary movement created good examples of the epic genre. These works of a lyrical-epic character can be considered examples of the new Uzbek literature genre in terms of the plot system, the world of images, and the artistic language. In this regard, the well-known poet S. Vahidov's epics "Anduh" and "Sunbula" are analyzed.

**Key words:** literary mobility, Epic, лиро-эпическая эпопея, развязка, развитие событий, образ Ведущей женщины, тема независимости, мольба, эпическая интерпретация.

**Кириш.** Истиқлол йилларида Бухоро адабий мухитида ҳам ўзига хос янгиланишлар жараёни кечди. Адабий турнинг деярли барча жанрларида асарлар яратилди. Жумладан, бу йилларда достон жанри ривожланди. С.Воҳидов, Т.Аҳмад, О.Сафаров сингари адабий ҳаракатчиликнинг фаол намояндадари ижоди бундан гувоҳлик беради. Тарихий ўтмиш (Т.Аҳмад “Заъфарон нидолар”, О.Сафаров “Бухорийлар ёхуд ўн икки юлдуз ҳақида кўшиқ”), замонавий мавзулар (С.Воҳидов “Андуҳ”) кабилар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради.

**Асосий қисм.** С.Воҳидовнинг «Андуҳ» достонида қисса ва романлардаги каби воқеалар муаллиф тилидан баён этилади. Бироқ асар анъанавий достонлардан фарқли равишда ечимдан бошланади. Яъни ижрокўм раисасининг онаси вафот этади. Шундан сўнг унинг ҳаётида ўзгаришлар вужудга келади. Раиса ўз-ўзини тафтиш қилиш орқали ўз кечмишини кўз ўнгидан ўтказади.

Шоир бир қатор ҳаётий эпизодлар орқали ёлғиз аёлнинг андуҳ тўла ҳаётини, унинг қалб тебранишларини, фожиавий жиҳатларини қаламга олишга интилади. Дастробки воқеа Кесканчинорда бир келинчакнинг ўзини ёқиши билан алоқадор. Раиса бу хабарни эшитгач, далда бўлиш истагида фожиа юз берган хонадонга боради. Бироқ унинг дарди, ғамлари янада ортади. Сабаби, келинчакнинг онасига юпанч тилаб турганда, у раисанинг ёлғизлигини юзига солади:

—Ўзганинг дардига қозилик осон,

Сен фарзанд доғини билмайсан, раис.

Билардинг бирорта туғиб ўстирсанг,

Ғўра бўлмай боланг, бўлганда майиз...[123,213]

## LITERARY CRITICISM

Раиса учун бундан ортиқ дашном бўлиши мумкинми? Ана шунда у ёлғизликни янада чуқуррок ҳис этади ва умри бесамар ўтаётганлигини англайди.

Иккинчи воқеа онаси томонидан Қиммат буви ҳақида айтиб берилган мунгли ҳикоядир. Қиммат буви эндиғина уч кунлик келин вақтида эрини 37-йил қатағони ўз комига тортади. Шундан бошлаб унинг умри «кутиш бекатлари»да кечади:

Жангта кетганлар келди,  
Жондан кечганлар келди.  
Келмагандан, лоақал,  
«Ўлди»деб хабар келди.  
Ундан ҳеч бир садо йўқ,  
«Бор», «Йўқ» деган нидо йўқ [123,217].

Қиммат бувининг оху афғони янглиғ янграган юқоридаги сатрларда нафақат бир жабрдийда аёлнинг, балки миллатнинг қайғуси акс этган. Зоро, қатағон йилларида олиб кетилган ватандошларимизга ўз юртига қайтиш насиб этмаган. Кутиш ҳаёти мазмунига айланган аёл ҳатто бошқа турмуш қилишни хаёлига келтирмаган. У сўнгги лаҳзагача шу илинжда яшаган:

Келинликда атиги уч кун  
Сирдош бўлган сатин чимилдиқ  
Бош остидан топилди шу кун,  
Тобутига бўлди ёпинчиқ... [123,218]

Бу сатрларда ўзбек аёлининг матонати, садоқати ёлқинланиб турибди. Раисанинг онаси бу мунгли ҳикояни сўзлаб берар экан, қизини бағрига босиб «қолмасинда бекас бандаси», – дейди. Ҳаётда «на дўст, на ҳамроҳ, на ҳамроз» топган раиса шу воқеани ёдга олар экан, аччиқ тақдиридан унсиз ийғлайди.

Учинчи воқеа Адол дугонасининг раисани тўйга чорлагани билан боғлиқ. У тўйда элнинг раҳбари сифатида ёшларга никоҳ қофозини топширмоқчи бўлганида, кайвони хола изн бермайди: аёлманд киши бундай шарафга лойиқлигини айтади. Бу сўзлар раиса қалбига ханжар янглиғ санчилади.

Раиса ҳам шахсий ҳаётда бахтга эришиши мумкин эди:  
Кўксимда тош эмас, қиз қалби эди,  
Унда ҳам яшарди гард қўнмаган сир.  
Мансаб андишаси барини еди,  
Хувиллаб қолди у саҳродай тақир.

Бинобарин, барча қизлар каби унинг ҳам ўз муҳаббати – «гард қўнмаган сири» бор эди. Ҳатто яқин дугонаси орқали бу сирини ошкор ҳам килган эди. Унинг раҳбарликка, мансабга мукласидан кетганлиги бу туйғуни емира бошлайди. Кўнглидаги йигит унинг мансабдорлигига ишора қилиб, «бошга ураманми тафти йўқ ойни» деган жавоби раисани ерпарчин айлайди. Шундан сўнг у бутун ҳаётини ишга багишлиади.

Шоир раисанинг дардли кечмишини бири иккинчисини тақозо этадиган воқеалар занжирига усталик билан тизади. Бу воқеалар орқали раиса қалбида андуҳга айланган инсоний кечинмалар силсиласи намоён бўлади. Энг муҳими, ёлғизлик моҳиятини, ёлғиз аёл қисматининг ғам- қайғуга тўла онларини акс эттиради. Эпик талқин асосидан кечинмалар суратлари бўй кўрсатади.

Шоирнинг “Сунбула” достони истиқлолимизнинг Бухоро тимсолидаги тасвиридир. Биламизки, 1920 йил 2-сентябрида Бухоро қизиллар томонидан ишғол қилинган. 1991 йил 1-сентябрида эса мустақиллик эълон қилинди. Орада нақ 71 йил. Сентябрдан сентябргача Сунбула ойи! Нима бу – тасодифми ёки Аллоҳнинг инояти?! “Сунбула”–ана шу ҳакидаги мушоҳада”.

Достон муқаддима, асосий қисм ва умидбахш Сунбула” қўшиғига стилизация шаклида яратилган бадиа бўлиб, достон экспозициясини ташкил этади. Оддий фолклоризм намунаси бўлган бу қўшиқнинг дастлабки қисмida шўро салтанати даврида халқимизнинг эркисизликда кечган оғир ва армонли ҳаёти тасвирланади:

“Сунбула, эй сунбула,  
Ўраб олай гул билан”.  
Халқим қўшиқ кўйларди,  
Кўздан оқкан сел билан.  
Боғларингда тўкинлик,  
Тонгларингда сокинлик.  
Етмас факат эркинлик,  
Фарқсиз эдик қул билан. [5,5]

## LITERARY CRITICISM

Чиндан-да, ҳалқимизнинг ҳамма нарсаси бор эди гўё. Аммо ҳаммаси ёлғон асосида қурилган эди:  
Тинглаб, ўсганим—ёлғон,  
Ўқиб ёзганим—ёлғон,  
Уқиб, сезганим—ёлғон,  
Юрдим ёлғон йўл билан.[5, 7]

“Эркинг ўзингда” дейиларди, лекин ўша эркнинг ўзи йўқ эди, “бойликларинг ўзингники” дейиларди, лекин ўша Ватан ўзгалар мустамлакаси эди. Шоир унинг озод бўлишини “ярим аср” орзу тўла дил билан кутганини изҳор этаркан, яна “Сунбула” қўшифига мурожаат қиласи ва ҳақиқий эрк шодиёнасидан хурсанд бўлиб, Истиқлол васифидан достон битишга киришади.

Шу зайлда достоннинг асосий қисмига киришилади. Асосий қисм эса 1991 йилнинг 1 сентябрдан 1920 йилнинг 2 сентябригача кечган 71 йиллик тарихни ўз ичига олади. Асосий қисм 15 фаслдан иборат бўлиб, “1 сентябр, 1991 йил” манзумаси билан бошланади. Унда XX асрнинг 91 йили Сунбула – Сентябрида дунёни ҳаяжонга солган ҳодиса – “қадим Туронда истибод жон узиб”, “зулмат салтанати зер-забар бўлгани” ва бу оламшумул ҳодиса жаҳон аҳлини, жумладан, Ўзбекистон ва унинг ҳалқи кувончини қўкларга етказгани, қолаверса, мустақилликни эълон қилган Ўртбоши жасоратини ва унинг ҳалқقا мурожаати воқеалари поэтик тасвирланган. Шоир Ўртбошининг босиқ ва вазмин нутқи орқали ёрқин қиёфасини чизади:

Сен ҳам ҳалқсан!  
Ҳалқлигингга қайт энди!  
Бу жаҳонга кимлигингга айт энди!  
Гулхан эдинг, сув сепиб кул қилдилар,  
Гулшан эдинг, ўт унмас чўл қилдилар.  
Кул остида қақнус бўлиб қанот ёз,  
Кўйк тоқига бургут бўлиб ёз парвоз.  
Етар энди кун кўрганинг қулдайин,  
Ўз юрtingда ўзингдайсан хўжайин.  
Ўзбекдирсан, ўз беклигинг англаб ол,  
Ўзлигингга дил кўзи-ла назар сол!  
Асли наслинг кимлигини яхши бил.  
Мустақилсан!  
Мустақилсан!!  
Мустақил!!! [5, 22]

Бу нутқдаги поэтик даъваткор рухни кучайтиришда шоир фойдаланган риторик мурожаатлар, тазодлар, руҳий ва кўчимлар, истиора ва қўшқофия, тўқ ва оч қофиялар, такрорлар ҳамда радифлар ўзига хос вазифани бажарган. Ўртбошининг мардона хитоби ҳалқимиз учун “тақдир китоби”га айлангани, қолаверса, “сўнгти умид нур”га дўниб, ҳалқнинг асрий орзуси ушалгани шукронаси қалбларга ҳузурбахш суур баҳшида эта бошлади.

Шоир мустақиллик эълон қилинган кунни таърифлашда энг эзгу сўзларни, энг латиф ўхшатишлар жонлантиришларни, тароватли эпитетларни қўллайди:

Саҳарнинг ёғдуси бугун ўзгача,  
Гулларнинг қулгуси бугун ўзгача,  
Анор оқимида ўзгача түғён,  
Қишлоқ ҳар кунгидан минг карра хушхон.

Шоир харакатдаги манзарани яратаркан, жонлантириш ва муболагадан, харакатга мос оҳанг жозибасини таъминлашда “ёғдуси-кулгиси”, “түғён-хушхон” каби ёндош қофиялару “бугун ўзгача” каби мураккаб радифдан фойдаланади. Шу асосда банд хотимасида келган хулосаловчи иккиликтининг мантикий жозибасига замин ҳозирлайди:

Истибод таҳтида жон берган Кун бу,  
Қарғалар ҳумога жой берган Кун бу.

Қарғалар-истибод тузуми тимсоли, ҳумо-истиқлол рамзи, шоир шу икки образни қарама-қарши қўйиб, гўзал тазод яратаркан, истибод салтанати қулаб, ўрнига мамлакат мустақиллиги ва ҳалқимиз эркини барқарор этган миллий истиқлол ғалабасидан нечоғли мамнунлигини алоҳида таъкидлайди. Бундай қўтаринки кайфият кейинги икки банд якунламаларида ҳам:

Армонлар орзуга эришган Кун бу,  
Ёғий ўз ёғига қоврилган Кун бу.  
Ва яна:

## LITERARY CRITICISM

Хуллас, халқым қайта туғилган Кун бу,  
Хуррият юрт узра туғилган Кун бу,  
–тарзида қайта-қайта таъқидланади.

Шоир “Куз эди...” фаслида “Ўша кун”даги кўтаринки кайфият тараннумини давом эттирди. Бу шеърда сарлавҳа ўтган замонга дахлдор маънени англатса-да, аслида бу Кунга айланган воқелик – Истиқлол воқелигини, ўтмишда таъқидланган иймону эътиқодимиз, қадрияларимиз, онгу шууrimизнинг қайтгани, ғурур ва ифтихоримизни тиклангани суурурини ифодалайди.

“Сабр туви олтин” деганларидек, ниҳоят “бекорга ўлмаган Фитратлар охи” шўро салтанатини чок-чокидан титиб, шўрини қуритди. Тасодифни қарангки, бу кун ҳам Сунбула – Сентябрнинг 1-кунига тўғри келибди. Аммо 71 йилдан кейинги – 1991 йилнинг 1 сентябрь – бу Кун! Шу тариқа Сунбула–Сентябр шоир учун рамзий моҳият қасб этган. Шу куни “Машъум кунлар маломатин этиб тарқ, бир энтиқди регистонда мажруҳ Арқ” хўрлик тимсоли бўлган қизил байроқни итқитди. Сўнгра:

Хурриятнинг насимини туйиб Арқ,  
Ҳар гиштида битта юлдуз уриб барқ,

–дэя эрк завқидан суюнди. Шоир нафақат Аркни балки Минораи Калонни ҳам шу хилда жонлантириб, эрк сууруни кўтаринкилик билан тасвирилашга хизмат қилдирган. Шу ниятини ифодалаш мақсадида “дилхун минора” ва “Дилхуш минора” фаслларини ёзип, биринчисида “етмиш йилки зор-интизор” бу кунни кутган Миноранинг “тутунга дўнган ох”ларини ифодалаб ёзди:

Карвонларга маёқ эди, хор бўлди,  
Сарсонларга чироқ эди, кўр бўлди.  
Ўша машъум йигирманчи... Сунбула,  
Таг-тубидан қўпоргудек зилзила,  
Босқинчининг тўпларига тутилди,  
Илдизи бут экан, омон қутилди.  
Кулатолмай ёвлар бўлгач оввора,  
Ном кўйдилар унга “Ажал Минора”. [5,34]

Шоир дастлабки байтда зулавофи – кўп қофиялиликдан, яъни дастлабки сатрдаги “карвонларга” сўзига кейинги сатрдаги “сарсонларга” сўзини, яна шу тартибда “маёқ эди-чироқ эди” ва “хор бўлди-кўр бўлди” қофиялари тизимини тузиб, фақат оҳанг ўйноқилигини таъминлаш билан чекланиб қолмай, тазод ва радифлар воситасида поэтик фикрнинг жозибали ифодалаган.

“Истиқлол, истиқлол”, “Истиқлол кунлари Фитрат боғида” каби фаслларда шу курашларда жасорат кўрсатганларни алқаркан, истиқлол сўзини шунчаки эзгу сўз сифатидамас, балки инсоннинг ўз эрки, фикри ва эзгу сўзи учун курашларда эришган яшаш ҳуқукини ифодаловчи ижтимоий моҳиятга эга ҳодиса сифатида таърифлайди:

Истиқлол,  
Истиқлол,  
Не буюк сўзсан?  
Инсон толеида не суюк сўзсан?  
Нечук йўлларингга аз рўзи азал  
Одамзод жонидан пояндоз ёзар? [5,56]

Шоир дастлабки сатрни поэтик такрор асосидаги ҳаяжонбахшилигини кучайтириш мақсадида уч сатрга бўлса, кейинги сатрларда риторик сўроқ воситасида шундай натижага эришган. Аслида шу риторик сўроқлар эрк учун курашган халқнинг жасорати эди. “Широқу Тўмариси”, Таробийси, Нажмиддин Кубродек соҳиб сиймони, Амир Темур соҳибқирони борлигини талмех санъати воситасида эслатиб ўтади:

Бу халқни бир умр қул қилиб бўлмас,  
Эркини ёқса ҳам қул қилиб бўлмас.  
Кулидан тирилар самандар янглиғ,  
Қанотин ҳар пати таратар яллиғ.

Уларга издош бўлиб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Файзула Хўжалар эрк учун кураш майдонида чакнадилар. Натижада эрк тантанасидан иборат истиқлол қарор топди. Унинг қувончини Фитрат боғида пилдираб ўйнаётган болакай чехрасида, шу боғ хиёбонида қўлма-қўл ушлаб кетаётган ошиқлар севгисида “ҳассасини нарига суриб” қоматини адл тутиб бораётган нуронийлар шиддатида кўриш мумкин.

Достондаги ҳар бир фасл мустақил воқеа ёки воқелик тафсилоти ёхуд тасвирига бағишиланган бўлса-да, ўша воқеа ёки воқеликнинг ҳар бири ўзидан олдинги воқеа ёки воқеликнинг изчил мантиқий

## LITERARY CRITICISM

давоми сифатида ўзаро боғланиб, бутун достон давомида яхлит лиро-епик сюжетнинг шаклланишига хизмат қилган.

Истиқлолнинг саккиз йиллиги тантанасида кутилмаган мўжиза содир бўлади: осмон узра парвоз қилаётган турналар карвони хушнудлик кайфиятидаги одамлар боши узра бир чарх уриб, жануб томон парвозини давом эттиради.

Турналарнинг бундай қилиши хамма нарсадан хам яхшилик излаб ўрганган шоир юрагини жизиллатади, унинг кўнгил торлари чертилиб, қалами қофоз узра сайди:

Тўлиндай қалқиди бирдан издиҳом,  
Самога қадалди минг-минглаб нигоҳ,  
Қарсаклар янгради,  
Қолиш бардавом,  
Тўйга тўёнами юбординг Оллоҳ?! (Ўша манба, 30-31 бет.)

Турналарнинг эркин парвози Истиқлол барқарор этган эркка мувозий келтирилганлиги туфайли уларнинг қолиши самимий рамзий маъно касб этган. Шу сабабли шоир турналар парвозидан зўр ҳаяжонга тушади. Уларга оқ йўл тилаб:

Нурга нур талпинса, осмон нурланар,  
Гулга гул талпинса, бўстон турланар,  
Дилга дил талпинса, қувонч жўрланар,  
Завққа завқ қўщдингиз, меҳмон турналар,  
—дея тарьсе санъатига мурожаат этса, бошқа ўринда:  
Йўлингиз оқ бўлсин, руҳингиз тетик,  
Сафингиз бузмасин хавотир, ҳадик,  
Баҳор котиллари ҳали ҳам тирик,  
Шундан юрагимда армон, турналар,

—дея алқаб туриб, кўнглидаги хавотирдан огоҳлантиради. “Баҳор қотиллари” – шунчаки турналар парвозига халал етказувчиларгина эмас, балки мажозан истиқлол ва эрк душманларини ҳам англатиб туриши билан эътиборга лойик поэтик образдир. Шоир бу образга яна янги поэтик маъно юклашни унумтайди:

Хайрият, баҳорни отиб бўлмайди,  
Увада виждондай сотиб бўлмайди.  
Баҳорга нобакор соҳиб бўлмайди,  
Чекинманг, дуч келса тўфон, турналар.

**Хулоса.** Шоир поэтик талқинида баҳор рамзий маънода эрк тантанасини англатувчи моҳият касб этган, шу йўсинда достон “Умидбахш якун” фасли билан ниҳоясига етган. Дарҳақиқат, шоир истиқлол мавзусини Бухородаги тарихий воқелик фонида ифодалаб, Р.Воҳидов тўғри таъкидлаганидек, “ўзининг чиройли истиқлол номасини яратса олган”.

Шундай қилиб, Самандар Воҳидовнинг “Андуҳ”, “Сунбула” каби достонлари нафакат шоир ижодида, балки миллий истиқлол даври Бухоро адабий ҳаракатчилигига ўзига хос ўринга эга.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. Филол.фан.д-ри дисс... – Т., 2004.
2. Воҳидов С. Бухором бор, Бухором бор... (Болалар учун шеърлар, достонлар, ривоятлар).– Бухоро: Бухоро, 1997.
3. Воҳидов С. Сунбула (Достон, шеърлар, газаллар).– Бухоро: Бухоро, 2002.